Беш йилликни муддатидан илгари бажарайлик!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-йил чиқиши.

№ 135 (5484).

11 июль Жума

1975 йил.

Баҳоси 2 тийин.

Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхозининг Н. Чинтошов бошлиқ 5-бригада аъзолари гектардан 50 центнерлик хирмон кўтариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. СУРАТЛАРДА: (юқорида чапдан) звено бошлиғи Э. МАТКАРИМОВ колхоз партия ташкилоти секретари С. АБДУЛЛАЕВ билан ғўзаларнинг ривожини кўздан кечирмоқдалар. Пастда звено даласида ғўзаларни культивация қилиш пайти.

Х. Аввалов фотоси.

СУТ СОҒУВЧИЛАР КОНКУРСИ

Сут соғувчи операторларнинг еттинчи республика конкурси тамом бўлди. Конкурс «Тандем», «УзНиж» соғиш аппарати билан «Красний водопад» тажриба базасида ва Орджоникидзе районидаги «Узбекистон ССР 50 йиллиги» колхозида ўтказилди.

Конкурсга қатнашган 38 соғувчининг ҳаммаси олдинги ўтказилган конкурсга нисбатан яхши тайёргарлик кўриб келганлари аниқланди.

АД—100 соғиш аппаратида биринчи ва иккинчи ўринни Чиноз районидаги «Чиноз» совхоз-техникуми сут соғувчилари Н. Л. Першина ва Ф. Беузова, Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли совхознинг соғувчиси Лян Анатолий эгалладилар.

Конкурсда ғолиб чиққан сут соғиш машина аппаратчилари қишлоқ хўжалик министрлигининг қимматли буюм ва фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

Конкурс сут соғувчилар учун малака оширишда яхши мактаб бўлди.

В. РАЖАБОВА.

КУНЛАР БАРАКАСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Мурожаати ҳамда пландан ташқари тошширилган пахтага қўшимча ҳақ тўлашнинг оширилиши ҳақидаги хушхабар мўл ҳосил етиштиришга бўлган курашни янада авж олдириб юборди.

Партия ва ҳукуматимизнинг гамхўрликларига лаббай деб жавоб бераётган пахтакорларимизнинг айниқса сўнгги кунлардаги ишлари баракали бўлди. Ғўзалар тўрт томонга шох отиб, гулкўсакларини кўпайтирмоқда. Иссиқлик ҳароратининг кескин кўтарилиши, қондириб сув берилиши ўсимликнинг ривожини анча яхшилади.

Ғўзаларимиз бегубор, дуркун ўсмоқда. Кўчат қалинлиги кўнгилдагидек. Мутахассисларнинг ҳисобига қараганда, ҳар гектар ерда ўртача 120 минг туп кўчат бор. Буларни аввалаб, ҳаммасини тўла ҳосилга киритиш учун барча куч ва ғайратимизни сарфлаяпмиз. Колхозчилар ҳам, сувчилар ҳам ишни социалистик мусобақа асосида олиб боряпти.

Карталарни айланиб, ривождан орқада қолаётган кўчатларни аниқлаб, уларга қўшимча ишлов берянпмиз. Чопиқ сифатли ўтказилмоқда.

Звеномизда техника асосий, ҳал қилувчи кучлардан бири бўлиб қолди. Унинг ёрдамида ғўзаларни сифатли культивациядан чиқарилишига интиляпмиз. Кўчат атрофлари юмшатилиши билан бир вақтда минерал ва маҳаллий ўғитлар солиняпти. График бўйича берилган ишларнинг деярли ҳаммаси ортиғи билан адо этиляпти. Колхозчиларимиз меҳнат вахтасида туришибди. Аҳмад Анорбоев, Хайитқул Абдиев, Саримсоқ Қўшмоновлар звеномизнинг энг пешқадам сувчилари ҳисобланади. Улар ишни мусобақа асосида ташкил этишган. Ҳар бир литр сувдан унумли фойдаланиб, оқава сувларнинг нобуд бўлишига йўл қўйилмаяпти. Улар кечалари ҳам сувнинг оқишини кузатишади. Ҳар бир сувчи мусобақада ғолиб чиқиб, ўзига топширилган ишни садоқат билан бажаришга интилмоқда.

Менинг асли касбим механизаторлик. 25 йилдан бери техникани бошқараман. Ҳар йили ҳам эрта кўкламдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар мўл ҳосил етиштиришга ҳисса қўшиш йўлида ишлайман. Чигитни экишда, парвариш қилишда, ҳосилни йиғиштириб олишда, шудгорда астойдил меҳнат қиламан. Ҳар бир карта менинг учун таниш, пастбаландини яхши биламан. Шу боисдан ҳам ери кафтдек бўлишига, кўчатларнинг бир текисда сув ичиб, озиқланишига эътибор бераман. Ғўза парваришида бирор тўп ниҳолнинг ҳам нобуд бўлишига йўл қўймайман.

Мен техникани бошқариш билан бирга колхоздаги энг катта звенолардан бирига бошчилик қилиб келяпман. 55 гектар еримиз бор.

Звено аъзоларимиз республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан олдинги мажбуриятларини қайта кўриб чиқишди. Биз йил бошида гектаридан 36 центнердан пахта беришга аҳд қилган эдик.

Ҳозирги ғўзамизнинг аҳволини ҳисобга олиб, 40 центнердан «оқ олтин» топшириш мажбуриятини қабул қилдик. Бу бизнинг мурожаатга жавобимиз бўлади. Зиммага олган мажбуриятга яраша ишни янада жадаллаштириб юбордик.

Август ойи охиригача барча майдонларга тўрт марта ишлов берамиз, уч марта суғорамиз. Асосий ҳосилни ғўзанинг пастки ва ўрта шохларида тўплашга эътибор берамиз. Шу ойнинг йигирмасидан кечикмай ғўзачеканкасини бошлаймиз. Бу иш механизация кучи билан амалга оширилади. Шу билан бир вақтда йиғим-теримга тайёргарликни ҳам бошлаб юборамиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ терим агрегатлари тўла ремонтдан чиқариб, тахт қилиб қўйилди. Ҳосилнинг асосий қисми техника ёрдами билан йиғиштириб олинади.

Совет кишилари партиямиз XXV съездини меҳнат совғалари билан нишонлашга аҳд қилганлар. Биз пахтакорлар ҳам бу умумхалқ юришида ортда қолмаймиз. Социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтариб, беш йиллик план топшириқларини муддатидан олдин адо этиш учун курашамиз.

Р. АЛМАТОВ,
Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг звено бошлиғи.

IX МОСКВА ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

IX Москва Халқаро кинофестивалининг қатнашчилари ва меҳмонларини самимий табриклайман.

Маданиятни юксалтиришга, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун курашга ўз ҳиссасини қўшаётган Москва кинофестивалларининг эзгу анъанаси халқаро кескинликни юмшатиш давлатлар ўртасидаги муносабатларда белгиловчи омил бўлиб қолаётган ва жаҳондаги сиёсий жараёнлар тараққиётининг характери умид бағишлаб, инсониятнинг тинч келажагига тобора мустаҳкам ишонч туғдираётган ҳозирги куннинг руҳига жуда ҳам мос бўлиб тушади. Кинематограф халқлар ҳаётини талантли ва ҳаққоний акс эттириш билан ана шу анъаналарни чуқурлаштиришда анча катта роль ўйнай олади.

Ҳозирги кунда ўзаро мулоқотларни кенгайтириш, чинакам маданий бойликларни айирбошлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Барча қитъалардаги кинематографиячилар учун очиқ бўлган Москва фестивали бундай ҳамкорликни тағин ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилажагига шаксшубҳа йўқ.

Жаҳон киносининг тараққийпарвар арбоблари ўз асарлари билан социал-тараққиётнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишда актив иштирок қилмоқдалар, миллий мустақиллик учун, жабр-зулм ва зўравонликнинг ҳамма формаларига қарши курашмоқдалар. Кино санъати халқларнинг тинчлик, демократия, гуманизм учун курашга бўлган иродасини мустаҳкамлаши ғоят муҳимдир.

Мамлакатимизнинг кинематографиячилари халқнинг турмуши ва бунёдкорлик меҳнатини, ривожланган социалистик жамиятнинг ютуқларини, совет кишисининг маънавий дунёсини ҳар томонлама ёрқин кўрсатиб беришга интилмоқдалар.

Ҳозирги кинофестиваль фашизм устидан ғалаба қозонилганлигига 30 йил тўлган бир пайтда ўтказилмоқда. фашизмга ва милитаризмга қарши қаҳрамон курашчиларни илҳомлантирган идеалларнинг ўлуғворлигини очиб бериш, — кино санъати арбобларининг юксак бурчидир. Бу идеал ҳозирги кунда ҳам инсониятнинг тинчлиги, эркинлиги ва бахт-саодатини қадрлаётган барча кишиларни илҳомлантирмоқда.

IX Москва халқаро кинофестивали қатнашчилари ва меҳмонларининг ўзларининг олижаноб меҳнатида катта-катта муваффақиятларга эришувларини чин кўнгилдан тилайман. Миллионларча кишилар уларнинг бу меҳнатини астойдил қўллаб-қувватлаётгандир.

Л. БРЕЖНЕВ.

Арзоной Йўлдошева ташаббуси

ИЛҒОР ЧОРВАДОР АРЗОНОЙ ОЛТИ ОЙДА ҲАР СИГИРДАН 3117 КИЛОГРАММДАН СУТ СОҒИБ ОЛДИ

Колхозда чорвачилик, сут соғиш тўғрисида гап очилса, дастлаб Арзоной тилга олинади. Унинг иш натижалари ойма-ой, йилма-йил солиштириб кўрсатилади. Ҳа, Арзоной Калинин районидаги Карл Маркс номли колхознинг пешқадам сут соғувчиси, ферма юлдузи.

Бу колхозда бир неча йилдирки, чорвачилик сердаромад соҳалардан бирига айланган.

— Биз, — дейди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ғуломмахмуд Абдуллаев, — чорвачиликдан беш йилдан бери соф фойда кўряпмиз. Чорвадорларимиз ҳалол меҳнат қилиб, ойлик, йиллик план ва мажбуриятларини бажариш учун курашмоқдалар.

Ферма ходимлари қорамоллар боошини кўпайтириш, пландаги 630 бош қорамолни 700 боошга етказиш, сигирлар сонини пландаги 250 ўрнига 260 бошга етказиш ниятидалар.

Колхозда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, айниқса, сут соғиб олиш миқдори йилдан-йил кўпайиб бораяпти. Агар ўтган йили ҳар бош сигирдан 4500 килограммдан сут соғиб олинган бўлса, бу йил ферма ходимлари КПССнинг бўлажак XXV съезди шарафига ҳар сигирдан 5000 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини қабул қилганлар. Умуман эса пландаги 985 тонна ўрнига 1225 тонна сут тайёрлаб, шундан давлатга 650 ўрнига 800 тонна сут, 40 ўрнига 50 тонна гўшт сотишга сўз берганлар.

— Ҳозир гўштга топширилаётган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 400 килограммдан кам эмас, топширилаётган сутнинг ёғлиқлик даражаси 3,7—4 процент атрофида бўляпти. Биз сигирлар сонини тўлдириб бориш учун 50 та зотли ғунажин боқяпмиз. — дейди ферма мудири Маннон Миржамолов.

Олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун ферма даги ҳамма ходимлар мусобақалашиб ишламоқдалар. Соғувчи Арзоной Йўлдошева социалистик мусобақа пешқадамлари дан, у голиблар байроғини баланд қўтариб бораяпти.

Арзоной Йўлдошева 17 бош сигирдан тўққизинчи беш йиллиқнинг якунловчи йилида, КПСС XXV съезди шарафига ҳар бош сигирдан 6 минг килограммдан сут соғиб оламан, деб ваъда берган. Аҳдига вафодор Арзоной ўтган олти ой мобайнида ҳар бир сигирдан 3117 килограмдан сут соғиб фермада энг юқори кўрсаткичга эришди. Олти ойда пландаги 40,5 тонна ўрнига жами салкам 53 тонна сут соғиб топширди. Бу ўтган йили шу даврдаги кўрсаткичга нисбатан салкам 13 тонна кўпдир. Яъни ҳар бир сигирдан ўтган йилги шу даврдагига нисбатан 813 килограммдан кўп сут соғиб олинди. Бу рақамлар Арзонойнинг ўз ишига қанчалик меҳр-муҳаббат қўйганини, эл олдида берган сўзининг устидан чиқиш учун фидокорона меҳнат қилаётганини кўрсатади.

Фермада бундай садоқатли кишилар кўп. Арзонойнинг издош дугоналари ҳам бор. Мавжуда Ҳожиева, Соня Баршова ва бошқалар ҳам сут соғишда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Масалан, Мавжуда Ҳожиева план бўйича олти ойда белгиланганидан 7 тонна, Соня Баршова 8 тонна кўп сут соғиб олиб, ғолиблар қаторига чиқиб олдилар.

Бунда Маҳмуд Аҳмедов, Раззоқ Ғафуров, Сайёр Гасангаловларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Чорва маҳсулотларининг таннархи ҳам арзонлашиб бораяпти. Ўтган йили бир центнер сутнинг таннархи 17 сўм 69 тийинга тўғри келди. Бир центнер мол гўштининг таннархи пландаги 288 сўм 70 тийин ўрнига 188 сўмга тушди.

Бу йил тўққизинчи беш йиллиқнинг якунловчи йили. Колхоз чорвадорлари партиямизнинг бўлажак XXV съезди шарафига олган социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажариш йўлида янада ғайрат кўрсатмоқдалар. Бунга Арзоной Йўлдошева, унинг дугоналари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Сут соғиб олишни кундан-кунга кўтайтирмоқдалар.

Б. ХАЛИЛОВ.
«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбири.

КЕЧА ШОГИРД, БУГУН УСТОЗ

Тонг саҳардан бошлаб завод томон бораётган одамлар оқими тинмайди.

Ана, улар орасида ўрта бўйли, буғдой ранг, келишган гавдали йигит ҳам тез-тез қадам ташлаб бормоқда.

Болтабой ўз касбини ардоқлаганлардан бири. Бугун ҳам у станоги олдига келиб, ишга тайёргарлик кўраркан, барча узелларни кўздан кечириб чиқди. Ҳаммаси жойида. Лекин, сменадоши қўлат листларни шаклларга келтирувчи чуқурчалар ва мосламаларнинг ёнверини темир чиқиндисидан тозаламаганлиги кўнглини хира қилди. Станок пресси ҳам кўтарилган ҳолатда қолиб кетибди. Электор рубильник тўла ўчирилмаган. Буларни кўрган Болтабойнинг кайфияти бузилди. Буни кўриб турган устози Воҳид ака сергакланиб, унинг олдига келди.

— Ҳа, тинчликми?

Болтабой индамай ён-атрофга имо қилди. Воҳид ака воқеага тушунди. Лекин, шогирдининг ёнини олиб, сменадошини койигани йўқ.

— Йўқ, Болтабой. Бунинг учун кайфиятингни бузмасанг ҳам бўлади. Чунки сменадошинг ҳали ёш, қолаверса, шогирдинг. Бир эслаб кўргин-а, бир вақтлар бошимни «ғалва»лан чиқармас эдинг. Куни билан тайёрлаган маҳсулотингнинг ярми бракка чиққанда ҳам мен индамагандим. Сен бўлсанг дарров шогирдингдан нолияпсан. Аксинча станокни қандай қилиб тозалаш, сменадан кейин иш жойини қай даражада саранжом қилиб кетишни унга кўрсатгин. Ўшанда ҳам ўзи хулоса чиқариб олмаса, сўз билан тушунтиришинг лозим бўлади.

Болтабойнинг чеҳраси ёришиб кетди. Ҳақиқатан ҳам Воҳид ака Ҳакимов ҳақ гапни айтди. Устоз ҳар ишда аввало ўзи намуна бўлиши лозим. Гапириш бошқа, амалда кўрсатиш бошқа...

Болтабой Абдужабборов бунидан 12 йил муқаддам «Ташсельмаш» заводига қадам қўйганида қўлида ҳунари йўқ ўспирин эди. Уни Воҳид акага шогирд қилиб тайинлашди. Меҳнатга иштиёқманд йигитча прессчи касбини эгаллаб олди. Мана энди корхонанинг манман деган зарбдор ишчиларидан бири. Шуниси диққатга сазоворки, устоз ва шогирд — Болтабой Абдужабборов билан Воҳид Маҳкамов мусобақадош.

Болтабой цехи корхонадаги илғор коллективлардан бири. Улар КПСС XXV съезди шарафига зарбдор меҳнат вахтаси эълон қилиб, кам сарф билан кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун ҳаракат қилмоқда. Бунда Виктор Новиков, Рустам Усмонов, Зафар Абдуқодиров, Болбатой Абдужабборов, Воҳид Маҳкамов каби пешқадамларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

А. САИДАЛИЕВ.

А. А. ГРОМИКО ЖЕНЕВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико АҚШ давлат секретари Г. Киссинжер билан учрашмоқ учун 10 июлда Женевага жўнаб кетди.

Икки ўртадаги келишувга мувофиқ, учрашув вақтида ҳар икки томонни қизиқтираётган масалалар юзасидан фикрлашиб олинади.

Аэродромда А. А. Громикони ҚПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Д. С. Полянский, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

В. БРАНДТНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Германия социал-демократик партиясининг раиси В. Брандт 9 июлда совет ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказди.

В. Брандт Совет Иттифоқига келишга таклиф қилганлиги учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга миннатдорчилик изҳор қилди.

Менинг Л. И. Брежнев билан учрашув ва суҳбатларим сидқидиллик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди, деди В. Брандт. Кескинликни юмшатиш жараёнини бундан буён ҳам давом эттириш учун нималар қилиш мумкинлиги ва лозимлиги муҳокама этилганлиги Л. И. Брежнев билан ўтказилган суҳбатларнинг бош мавзуи бўлди. Суҳбатлар вақтида Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган ҳамда ниҳоясига етай деб қолган кенгаш тўғрисида масала муҳим ўрин олганлигини В. Брандт қайд қилиб ўтди. Кенгашнинг Хельсинкидаги якунловчи босқичи, деб таъкидлади у, муҳим ишнинг хотимаси бўлмаслиги лозим. Бу — кўпгина давлатларнинг тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида сарфлайдиган конкрет куч-ғайратларининг бошланишидир, холос.

Менинг фикримча, деди В. Брандт, Европада қурол-яроғларни ва қуролли кучларни қисқартириш билан боғлиқ бўлган проблемалар (ҳозир Венада шу хусусда бошланган музокаралар давом этмоқда). нақадар мураккаб бўлмасин, бу проблемаларга жуда муҳим аҳамият берилиши лозим.

В. Брандт ғарбий Берлин масаласига тўхталиб шу хусусда ўтган ҳафтада берилган зиёфатда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ўз нутқида айтган гапни эслатиб ўтди ва у, яъни Брандт, бу фикрга тўла-тўкис қўшилишини айтди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг 1973 йил майида ГФРга қилган визити вақтида тўрт томонлама битимнинг ҳар бир ҳарфи ва умумий руҳига ҳамма томонлар қатъий риоя этиши ва уни ҳурматлаши тўғрисида бир фикрга келинган эди, деди В. Брандт.

Сиёсатни конкрет равишда шакллантириш — ҳукуматнинг иши ,аммо мен раис бўлган партия Европа ҳамкорлигини ва халқаро ҳамжиҳатликни олга силжитиш ишида ҳукуматни қўллаб-қувватлади, деб таъкидлади В. Брандт.

В. Брандт ГФР ҳукуматининг ГФР билан Совет Иттифоқидаги муносабатларни самаралн ва ҳар томонлама ривожлантираш йўлидаги куч-ғайратларини қўллаб-қувватлашини айтди.

СССР бўйлаб қилган сафаридан олган таассуротлари тўғрисида гапириб, В. Брандт вақт чекланган бўлишига қарамай Москва, Ленинград, Новосибирск ва Самарқандда Совет Иттифоқидаги кишилар қандай яшаб меҳнат қилаётганликлари тўғрисида батафсил тасаввур олганлигини айтиб берди.

Ленинград менга уруш вақтидаги сўз билан ифодалаб бўлмайдиган азоб-уқубатларни эслатди, деди В. Брандт. Новосибирскда биз совет мамлакати ривожининг катта миқёсларини кўрдик. Назаримда мен келажакни кўриб тургандек бўлдим. Бунда мен Сибирнинг келажагини назарда тутаяпман, унинг бой табиий ресурсларини, шунингдек илмий ва иқтисодий ривожланиш соҳасидаги келажакни назарда тутаяпман.

Мен Самарқандда, деб таъкидлади В. Брандт, ўзимни минг йиллик маданият диёрида деб ҳис этдим. Бу ўлка ҳам тез ривожланмоқда. Бундан 20 йил муқаддам хувиллаб ётган даштдангина иборат бўлган жойларда гуллаб-яшнаб турган бепоён боғларни кўрдим.

В. Брандт журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

* * *

Шу куни В. Брандт Москва Советини бориб кўрди. Москва Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов меҳмонга шаҳар хўжалиги тўғрисида, Совет пойтахтини реконструкция қилиш бош плани ҳақида, шаҳар 1980 йилги Олимпия ўйинларига қандай ҳозирлик кўраётганлиги тўғрисида гапириб берди.

ВИЛЛИ БРАНДТ ЖЎНАБ КЕТДИ

Германия социал-демократик партиясининг раиси Вилли Брандт рафиқаси билан 9 июлда Москвадан жўнаб кетди.

Внуково аэродромида В. Брандтни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Б. П. Бугаев, В. В. Кузнецов, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси Л. М. Замятин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети секторларининг мудирлари Д. Н. Мочалин, Н. Н. Пухлов, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси А. П. Бондаренко, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида ГФРнинг СССРдаги элчиси У. Зам бор эди.

(ТАСС).

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

ВАРАКА № 150

ИШ ҚУРОЛИНГ СОЗ БЎЛСА — МАШАҚҚАТИНГ ОЗ БЎЛУР.

СОВЕТ САВДО ҚОНУНИ БУЗИЛМАСИН.

ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИ — СИФАТ ЖОНКУЯРЛАРИ.

КУН ТАРТИБИДА — МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

НЕГА АЛКОГОЛСИЗ ИЧИМЛИКЛАР ЕТИШМАЙДИ?

Кун қизиб турганда чанқоқ босдига бир стакан муздеккина минерал сув ёки алкоголсиз ичимлик истеъмол қилиб, ҳовур босишга нима етсин!

Шаҳар кўчаларидан борар экансиз, одатда алкоголсиз ичимликлар сотадиган жойни ёдаки билиб, кариги кўчадан бўлса ҳам бурилиб ўтасиз. Баъзан эса бундай жой ҳувиллаб қолганини кўриб, оғринасиз. Бу кўнгилсизликни биров савдо ташкилотидан кўрса, яна биров бошқа муассасадан ранжийди.

Қибрай пиво-алкоголсиз ичимликлар комбинати ҳам аҳолини ўз вақтида маҳсулоти билан таъминламай, кўпчиликни ранжитмоқда. Бу ерда ишлаб чиқариш қувватлари тез ўзлаштирилмаяпти, давлат планлари бажарилмайди. Шу йилнинг ўзида 713 минг сўмлик маҳсулот кам реализация қилинди. Беш ой давомида 218 минг декалитр бутилкали пиво, 313 минг бутилка минерал сув ва 33 минг декалитр квас аҳолига етказиб берилмади.

Минерал сувларни қуйиш жараёни қувватлари фақат 32 процент, алкоголсиз ичимликлар қуйиш линияси лойиҳа қуввати 30 процент, май ойида пиво пиширишни жараёнлари лойиҳа қуввати 50 процент ўзлаштирилди, баъзи кунлар 80—84 процентга етди, холос. Бунга сабаб технология жараёнлари тўғри йўлга қўйилмаётганлигидир. Бунинг натижасида ҳали яхши пишиб етилмаган ичимликлар муддатидан кўп вақт жараёнларда қолиб кетяпти. Шунингдек, техника бўш туриб қолмоқда. Ишни ташкил этиш қониқарсиз аҳволда. Баъзан идиш, баъзан газ, баъзида электроэнергия етишмайди. Шу туфайли ҳам апрель ойида алкоголсиз ичимликларни қуйиш жараёнининг ўзида 76 иш соати йўқотилди. Бу 70 минг сўмлик маҳсулот чиқарилмади демакдир.

Ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ўзлаштирмаслик ва сурункасига планни бажармаслик натижасида корхона зарар кўрмоқда. Шу йилнинг биринчи кварталида 219 минг сўмлик зарар кўрилди. 1,8 миллион киловатт-соат электр энергияси ортиқча сарфланди. Таннарх эса борган сари қимматлашиб кетмоқда.

Комбинат директорининг коммерция ишлари бўйича ўринбосари Осипянц тайёр маҳсулотларни реализация қилишга айниқса масъулиятсизлик билан қарамоқда. Нормадаги 30 минг сўмлик ўрнига 735 минг сўмлик тайёр маҳсулот реализация қилинмай ётипти.

Халқ контроли комитети бу масалани кўриб чиқиб, бир қатор камчиликларни аниқлади. Комбинат директори Э. Мушаилов ва бош инженер Э. Туревскаяга виговор эълон қилинди. Коммерция ишлари бўйича директор ўринбосари Осипянц ишдан бўшатилди.

Комбинат халқ контроли группасига маҳсулот сифати устидан назорат ўрнатишни кучайтириш, хўжалик ишларининг олиб борилишига диққат-эътибор билан қараб, систематик равишда текшириш ва рейдлар ўтказиш ва натижаларини цех коллективлари ўртасида муҳокама қилиш, баъзи масалаларни партия ташкилоти ва маъмурият мажлисларига қўйиш тавсия этилди.

ШТАТ-СМЕТА ИНТИЗОМИГА РИОЯ ҚИЛИНСИН

Яқинда халқ назоратчилари областимиздаги 24 корхонани текшириб, ташкилотларда партия ва ҳукуматимизнинг бошқарув аппаратини такомиллаштириш ва соддалаштириш ҳақидаги кўрсатмалари қандай амалга оширилаётганлигини ўрганиб чиқдилар.

Текшириш натижалари шуни кўрсатдики, баъзи ташкилотларда шу мақсад учун ажратилган маблағлар ортиқча сарф қилинмоқда. Масалан, Оҳангарон «Стройпластмасс» комбинатида маъмурият-бошқарма ҳаражатлари йилдан-йилга ошириб юборилаяпти. 1973 йилда ортиқча ҳаражат 3,7 минг сўм, 1974 йилда 12 минг сўмни, шу йилнинг биринчи кварталида эса 1,6 минг сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, ўтган йили қонунга хилоф равишда 774 сўм командировка ҳаражатларига сарфланган. Шу йилнинг биринчи кварталида бу 197 сўм бўлди.

Янгийўл 8-гишт заводлари бошқармасида ҳам шу аҳволни кўриш мумкин. Янгийўл машиний хизмат кўрсатиш комбинатида ҳам қонунга хилоф равишда сарф-харажат қилинмоқда. Бу ерда қоровулларга ишчилар ҳисобидан қонунга хилоф равишда 4,8 минг сўм маош тўланган. Шунингдек бир қатор енгил автомашиналарни ушлаб туришга харажат сарфлаш кўзда тутилмаган ҳолда шоферларга 1,1 минг сўм пул тўланган. Шунинг қизиқки, инкассаторларга автомашина бириктирилган ҳолда ана «йўлкира ҳақи» деб пул тўлаш одат тусига кириб қолган. Шунингдек, кондага риоя қилмай магазинлардан нақд пул билан моллар олинаверган.

Область халқ контроли комитети ўз йиғилишида бу масалани кўриб чиқиб, айбдор кишиларга нисбатан қатор чоралар кўрди ва жазолади. Янгийўл 8-гишт заводлари бошқармаси директори Маликов ва бош бухгалтери Мишинбоев, Оҳангарон «Стройпластмасс» комбинатининг бош бухгалтери Иброҳимовларга пул начети қилишга қарор қилинди.

АҲОЛИГА СОТИШ УЧУН МУЛЖАЛЛАНГАН МОЛЛАР ҚАНИ?

Баъзан шундай бўладики, аҳолига сотиш учун мўлжалланган моллар омбордан тарқалади, қўлдан-қўлга ўтиб кетади. Яқинда ана шундай нотўғри йўл тутган бир қатор ташкилотларнинг раҳбарлари халқ контроли комитети томонидан жазоланди.

Ўрта Чирчиқ район матлубот жамиятининг раиси Маҳмудов хизмат вазифасидан бўшатилди. Область матлубот жамиятига, Янгийўл район матлубот жамиятининг раиси С. Ортиқназарова ва Ўрта Чирчиқ район матлубот жамиятининг торг бошлиғи Дадажоновларнинг ишини ўрганиб чиқиш ва уларга нисбатан кўрилган чора ҳақида область халқ контроли комитетига маълум қилиш топширилди.

Бу ташкилотларда аҳолига сотиш учун мўлжалланган ноёб моллар ўзаро келишилиб, турли идора ва ташкилотларга бериб юборилаверган. Масалан, 1974 йилда 38068 сўмлик яхши тахта, буёқ, турли хил газлама, электр товарлари, автопокришка ва бошқа моллар Ўрта Чирчиқ район матлубот жамияти, умумий овқатланиш муассасаси, Тўйтепа районлараро савдо базасига ўтказиб юборилган. Шу йилнинг тўрт ойи ичида яна худди шундай йўл билан 10636 сўмлик мол бериб юборилган. Район маиший хизмат кўрсатиш комбинатига ғайри қонуний йўл билан радиоприёмник, магнитофонлар, Тўйтепа алоқа бўлимига эса транзистор, радиолампа ва бошқа буюмлар ўтказиб юборилган. Ҳатто элга сотиш учун олинган 7662 сўмлик ВАЗ—2103 енгил машинасини матлубот жамияти коллективи ҳеч қандай ҳужжат тўлдирмай фойдаланиб юраверган. Бунинг устига, қонунсиз реализация қилинган бу тартибдаги моллар товар оборот планининг бажарилишига қўшиб юборилаяпти. Кўпчилик моллар район матлубот жамияти савдо бўлимининг бошлиғи Дадамуҳамедов томонидан бериб юборилган.

Шу каби ҳолларни Янгийўл матлубот жамияти фаолиятида ҳам кўплаб учратилди. «Ленинизм», «Октябрь» қишлоқ матлубот жамиятлари, Қовунчи, Халқобод рабкоопларида ҳам бу каби қонунбузарлик ҳоллари тез-тез учрамоқда. Мана шундай бир мисолни келтирайлик. Халқобод рабкоопи енгил автомашина учун 461 сўмлик запас қисмларни темир-бетон буюмлари заводига ўтказиб юборган, унинг ўрнига эса тахта, труба, сим олинган, Октябрь сельпоси 4367 сўмлик қурилиш материалларини аҳолига сотиш ўрнига ўз хўжалиги учун ишлатган...

Ҳа, юқорида номлари кўрсатилган матлубот жамиятларида аҳоли учун келтирилган молларни ғайриқонуний равишда «таниш-билишчилик» қилиб, идорадан идорага ўтказиб юбориш одат тусига кириб қолган. Айбдор кишилар қилмишларига яраша жазоларини олдилар. Ўйлаймизки, мазкур коллективлар эса тегишли хулоса чиқариб оладилар.

ТАДБИРЛАР МАЪҚУЛЛАНДИ

Далаларда ўрим-йиғим кундан-кунга қизғин паллага кирмоқда. Бундан буёнги муҳим ишлардан бири етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириштир.

Область халқ контроли комитети миришкорлар ҳаётида энг масъулиятли давр бўлган дамларда назоратчиларнинг диққат-эътиборини ишни тез ва соз бажаришга жалб қилиш мақсадида бир қатор тадбирларни ишлаб чиқди. Жумладан, колхоз ва совхозларга ёрдамга юборилаётган юк машиналарининг, ун комбинатлари ва дон омборларининг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш устидан алоҳида назорат олиб борилади. Тайёрлов пунктлари ва пахта заводлари коллективларининг пахтани қабул қилиш, сақлаш, қуритиш ва қайта ишлашга ҳозирлик кўриши тезлаштирилади.

Қишлоқ хўжалик ходимларига савдо ва медицина хизматини яхшилаш, «Узсельхозтехника» бирлашмасининг колхоз ва совхозларга, трактор, ўрим-йиғим машиналари, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи ва бошқа материалларни ўз вақтида етказиб берилиши текширилади.

Б. ЭРГАШЕВ,
область халқ контроли комитетининг инспекторн.

Тошкент асбобсозлик заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мамлакатимиздаги ҳамма машинасозлик заводларига юборилмоқда. Сифат жиҳатидан бундай катта муваффақиятга эришишда халқ назоратчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Суратда: актив халқ назоратчиларидан металл тобловчи Ҳ. Умеров ва илғор ишчи В. Падеревалар маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар.

В. Сироткин фотоси.

МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН

Ҳозир далаларда айни экинлар ҳосилга кираётган пайт. Ҳар куни машина карвонлари ноз-неъматлар билан тўлиб шаҳар томон оқиқади. Шаҳарликлар дастурхони кундан кунга ширин шарбат мева ва сабзавот билан тўкин бўлмоқда.

Ёз, куз бўйи пешма-пеш мўл ҳосил йиғиб олиш сирларидан бири экинлар, парваришини ўрнига қўйишдир. Агротехника қоидаларига тўла амал қилинса ,шубҳасиз ҳосил мўл, хирмон баланд бўлади.

Ана шу мақсадни кўзлаган назоратчиларимиз экин парваришига бағишланган рейдларни ўтказиб туришоди. Уста деҳқонларнинг тажрибалари оммалаштирилаяпти. Шунингдек, ҳар бир литр сувдан унумли фойдаланиш йўллари қидириб топилмоқда.

Яқинда биринчи бўлимнинг 7-бригадасига рейд уюштирдик. Бу ерда ишчи кучи ва техникадан унумли фойдаланилмаётганлиги аниқланди. Натижада сабзавот экинларини ўт босиб кетган. Бригада бошлиғи К. Эрматов бажарилган ишларни ҳисобга олишда кўзбўямачиликка йўл қўяётгани маълум бўлди. Э. Болтабоев бошлиқ бригадада текширув ўтказганимизда меҳнат интизомининг бўшашиб кетганлигининг гувоҳи бўлдик. 5 гектардан зиёд майдондаги боғ қатор ораларига ишлов берилмагани туфайли ҳамма ёқни ўт босиб кетган. Шунингдек, бу ерда давлат мулки бўлган ерни шахсий ҳисобда фойдаланиш, яъни томорқага қўшиб олиш ҳоллари рўй берган.

Халқ назоратчилари «Янгийўл» совхозининг бир қатор участка ва бўлимларида ҳам рейдлар уюштиришди. Хўжаликда ишчиларнинг сабабсиз ишга чиқмасликлари ҳисобига май ойининг сўнгги декадасининг ўзида 93 иш куни йўқотилган. Меҳнат интизоми айниқса Э. Бекатов, Э. Шаропов, О. Юнусов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда бўшаштириб юборилган.

Биз рейд ва текширув якунларини доимо меҳнаткашлар оммаси орасида муҳокама қиламиз, партия комитети, бирлашма маъмуриятига ҳавола қиламиз. Ерни талон-торож қилишга йўл қўйганлиги учун 5-бригада бошлиги Э. Болтабоевни вазифасидан бўшатишга қарор қилинди. Шунингдек, ўз вазифасига нисбатан совуққонлик билан қараган, камчиликларга йўл қўйган кишиларга нисбатан чоралар кўрилди.

Шу кунларда яна бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Рейд ва текширишларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш учун халқ назоратининг турли форма ва методларидан фойдаланамиз.

С. САЙФУДДИНОВ,
У. Юсупов номли аграр саноат бирлашмаси халқ конторали группасининг раиси.

МАШИНАЛАР ТАХТ БЎЛСИН

Ҳар йилгидек бу йил ҳам кўпчилик майдонлардаги пахта машиналар ёрдамида териб олинади. Азамат деҳқонларимиз бу ишга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Ёш ниҳоллар машина теримига мослаб ўстирилмоқда.

Маълумки, машина терминнинг муваффақияти кўп жиҳатдан терим машиналарининг тахт қилиб қўйилишига боғлиқ. «Узсельхозтехника» устахоналари ишчи ва хизматчилари зиммасига бу алоҳида масъулият юклайди.

Бу иш қандай бормоқда? Халқ назоратчилари яқинда мазкур масала билан қизиқдилар «Узсельхозтехника» область бирлашмаси бир қатор район бўлимларига рейд уюштирди.

Мана, Бўка. Чиноз райони устахоналари. Бу ердаги ишчи кўрган иши — ремонтчиларга таҳсин ўқийди. Терим техникаси, агрегатлар, узеллар технология жараёнларига қатъий амал қилинган ҳолда ремонт қилинмоқда. Иш сифати ҳам анча дуруст.

Лекин, айрим районлардаги «Узсельхозтехника» бирлашмаларида аҳвол кўнгилдагидек эмас. Бирлашма раҳбар ва мутахассислари ремонтни тўғри ташкил этишга яхши эътибор бермаётирлар. Айрим машиналар «Мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида ремонт қилинаётир. Бунда «Узсельхозтехника» область бирлашмаси мутахассисларининг ҳам айби бор. Улар жойларда ремонтни соз ташкил этиш, ишнинг сифатини яхшилаш учун етарли шароит яратиб бермаётирлар.

Акс ҳолда Бекобод район устахоналарида иш ўлда-жўлда қолиб кетмаган бўлур эди. Бирлашма бошлиғи Комилов, бош инженерлари Т. Абдуназаров ўртоқлар билан сўзлашсангиз, ҳамма иш жой-жойидагидек кўринади. Амалда эса бошқача. Ремонтда технология жараёнларига етарли риоя қилинмаяпти. Терим техникаси агрегатлари ва узеллари олдиндан пухта созланмасдан йиғилмоқда. Тайёр, деб айтилган агрегатлар, узеллар ва машиналарнинг бошқа қисмлари синчиклаб текширилганда, бир қатор нуқсонларга эга эканлиги маълум бўлди.

Терим машиналари одатда ремонт қилинмасдан олдин ҳам, ремонт қилингандан кейин ҳам баллонлари бўшатилмаган ҳолда сақланиши керак. Бунга амал қилинмаяпти. Назорат ишлари билан шуғулланувчи механик ўз вазифасига совуққонлик билан қараяпти. Шунинг учун ҳам ремонт ишлари топшириғи бажарилмаётир.

Бундай камчиликлар Ўрта Чирчиқ ва Оққўрғон район «Узсельхозтехника» бирлашмаларининг устахоналарида ҳам мавжуддир.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси раҳбарлари жойларда ремонт ишларининг боришини қатъий назоратга олишлари керак. Запас қисмларни ўз вақтида етказиб бериш лозим.

— Бу масала область халқ контроли комитетининг мажлисида муҳокама қилинди, — дейди область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари А. Путтиев. — Техника ремонтининг сифатли бажарилишини таъмин қилмаганлиги, технология жараёнларининг бузилишига йўл қўйганлиги, техникани сақлаш ишлари қониқарсиз ташкил этганлиги учун «Узсельхозтехника» Бекобод район бўлими бош инженери А. Абдуназаровга қаттиқ ҳайфсан берилди. «Узсельхозтехника» область бирлашмаси раисининг ўринбосари Ш. Л. Коган эса «Узсельхозтехника» системалари устахоналарида ремонт ишлари ихтисослаштирилиши учун чоралар кўрилаётганлигини маълум қилди.

Устахоналарга запас қисмларни етказиб бериш, оқилгимойлаш материаллари билан таъмин этишга қаратилган тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда.

Бекобод район «Узсельхозтехника» бирлашмаси халқ контроли группаси ишни жонлантириши керак. Вақти-вақти билан устахоналарга рейд уюштириш лозим. Назоратнинг оммавийлиги ва изчиллигини таъминлаш талаб этилади.

Ҳар дам ғанимат. Далаларда кун сайин иш қизиб кетмоқда. Ғўза туплари серҳосил бўлиб етилмоқда. Беш йилликнинг якунловчи йили учун олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш шу кунлардаги ишимизга боғлиқ. Етиштириладиган мўл ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб, давлатга топшириш учун терим техникаси ва бошқа воситаларни шу кунларда созлаб қўйиш лозим.

Н. РИХСИЕВ.

НАЗОРАТЧИ ҲИСОБОТИ

Назоратчи ҳисоботини эшитиб туриш уларнинг масъулиятини оширишда муҳим роль ўйнайди. Бўстонлиқ район халқ контроли комитети бу масалага алоҳида эътибор бермоқда.

Бўлиб ўтган йиғилишлардан бирида Товоқсой маиший хизмат фабрикаси директори А. Хайитбоевнинг ахбороти тинглади.

Корхонада 1974 йил план ва мажбуриятларини бажариш юзасидан бир мунча ишлар қилинган. Лекин, ҳали резервлар ва имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти. Ишчилар малакасини оширишга етарли эътибор берилмаётир. Янги қувватлар сусткашлик билан ўзлаштирилмоқда. Ҳисоб-китоб ишлари кўнгилдагидек эмас. Маъмурият партия ташкилоти халқ контроли группаси билан бамаслаҳат иш юритиши керак. Комсомол ва касаба союз ташкилотларига раҳбарликни янада кучайтириш лозим. Сўзга чиққан нотиқлар ана шу ҳақда қимматли маслаҳатлар бердилар.

Шу куни «Қизилтў» колхози халқ контроли группаси раиси А. Абеновнинг ҳам ҳисоботи эшитилди. У хўжаликда назорат ишлари, бригада ва фермалардаги назорат постларининг фаолияти, шу кеча-кундузда жамоат чорваси учун ем-хашак жамғариш юзасидан кўрилаётган тадбирлар ҳақида гапириб берди.

Йиғилишда колхоз назоратчиларнинг ишини янада яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди.

З. ОРИПОВ.

ҲАМКОРЛИК

Корхонамизда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ички резервлар, имкониятлардан фойдаланиб, социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашда халқ назоратчилари партия ташкилотига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Халқ контроли группасининг 30 аъзоси бор. Улар ишлаб чиқариш илғорлари ,етакчи мутахассислар, партия, комсомол активларидир. Назоратчиларимиз тўрт секцияга бўлинган ҳолда иш олиб бормоқдалар. Маҳсулот сифатини назорат қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, иқтисод ва тежамкорлик, санитария-гигиена ишлари, ишчиларга қулай маданий-маиший шароит яратиб бериш назоратчиларнинг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Бундан ташқари, тола ишлаб чиқариш цехи ва тайёр хом ашё базасида халқ контроли группасининг постлари ишлаб турипти.

Ошкоралик — назоратнинг самарадорлигини ташкил этишда катта ёрдам беради. «Халқ контроли экрани» деворий газетаси ҳар ойда бир марта чиқариб турилибди.

Биз назоратчилар фикр ва мулоҳазаларига диққат билан қулоқ солиб, улар ташаббусини қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Ана шу мақсадда илғор халқ назоратчилари ҳисоботини партия йиғилишида эшитиб турамиз. Улар тажрибасини оммалаштириш билан бирга назоратни янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида маслаҳатлашиб оламиз. Ўзаро ҳамкорлик яхши натижалар бермоқда.

Бир вақтлари пресслаш цехида иш унчалик яхши эмас эди. У ердаги аҳволни назоратчиларимиз синчиклаб ўргандилар. Иш жараёнига айрим ўзгартиришлар киритилди. Масалан, каноп толаси 35—40 килограмм ўрнига 75—80 килограммлик қилиб прессланадиган бўлди. Натижада цехда меҳнат унумдорлиги ортди. Каноп толасини ивитиш ишлари яхшиланди. Назоратчилар таклифи билан каноп қиш купларида усти ёпиқ биноларда ивитиладиган бўлди. Натижада 1974 йилда 1973 йилдагига қараганда салкам икки баравар кўп каноп толаси ивитилди.

Заводимиз ишчилари ва хизматчилари КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун қатъий бел боғлаганлар. Биз йиллик планни 1 декабргача бажариб, йил охиригача планга қўшимча равишда 300 минг сўмлик маҳсулотни реализация қилиш, 160 тонна каноп толасини ишлаб чиқариш мажбуриятини олдик. Тўққизинчи беш йиллик планни сентябрь ойида бажарамиз ва беш йиллик планига пландагидан ташқари қўшимча 800 минг сўмлик маҳсулот реализация қиламиз.

Бу вазифаларни бажаришда халқ назоратчиларининг бизга берадиган ёрдамлари салмоқли бўлади.

В. КАЛПАКИДИ,
Кетмонтепа луб заводи партия ташкилотининг секретари.

Олмалиқ рўзғор химияси заводи. Бу ерда рўзғор учун зарур бўлган 30 дан ортиқ химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Суратда: актив назоратчи, автомат цехининг илғор аппаратчиси Омонгелди Хожнаҳмедов тайёр маҳсулотлар сифатини кўздан кечирмоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ПАХТАКОР МЕҲНАТИНИНГ ҚАДРИ

Минбарда — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Маҳмуд ИСМАТОВ.

Мен колхоз қурилишининг ўрта авлодига мансуб раисларданман.

Улуғ Ватан урушидан кейинги йиллар биз қишлоқ меҳнаткашлари учун айниқса оғир бўлганди. Бизнинг ёшимиздаги йигитлар фронтдан ғалаба билан қайтганидан кейин ҳамқишлоқларимиз аҳволини кўриб, фронт орқаси меҳнат аҳли учун қанчалик оғир, машаққатли бўлганини пайқаб олдик. Тоғни урса талқон қиладиган азамат йигитларнинг кўпи урушдан қайтаб келмаганди. Омборларда дон-дун супуриб оларли даражада, техника етишмайди. Ерлар ўт босиб, кўриққа айланай, деб қолган. Зовурлар кўзи битиб кетган. Уйларга қараб бўлмайди. Одамлар ҳолдан тойган.

Мана шундай шароитда қишлоқ хўжалигини кўтариш, айниқса унинг етакчи тармоғи пахтачиликни ривожлантириш бизнинг олдимизда улуғвор вазифа бўлиб турарди.

Заифлашиб қолган хўжаликни кўтариш учун қандай кучга суяниш керак. Қаёқдан ёрдам олиш керак? Мен шу ерда ўтмишда шундай аҳволга тушиб қолган деҳқон туриш-турмуши ҳақида гапириб ўтмоқчиман.

Қўрғоқчилик бўлган ёки бошқа табиий офат юз берган пайтларда ўтмишдаги деҳқон бор-йўғидан аж-рар, хонавайрон бўлиб қоларди. У судхўр бойлардан бир сўмлик нарсани ўн сўмга олишга мажбур бўлар, бола-чақаси билан бойлар хонадонида меҳнат қилиб, қарзини узолмай, ўтиб кетарди.

Бизнинг замонда ундай эмас. Бизнинг буюк, қудратли суянчиғимиз бор: у Коммунистик партия, Совет ҳукумати. Урушдан кейинги тикланиш даврида бу айниқса зўр салобат билан яна бир марта сезилди. Партия ва ҳукуматимиз коллектив хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш юзасидан заруртадбирий-чораларни йил сайин кўпроқ кўрди ва ҳамма ишларимизга оталарча ёрдам берди. Техника, минерал ўғит ва бошқа ашёлар билан тобора кўпроқ, яхшироқ таъминлаб турдик. Бу мадад туфайли колхозлар, шу жумладан, бизнинг хўжалик ҳам тезда ўзини ўнглаб олди, тобора каттароқ вазифаларни амалга оширишга қодир бўлиб қолди.

Урушдан кейинги тикланиш йиллари кўздан кечириладиган бўлса, ўша вақтда ёшу қари, эру-аёл, ҳамма елкама-елка туриб, жон куйдириб, кўл меҳнати оғирликларини мардонавор енгиб, хўжалигимизни иқтисодий жиҳатдан йил сайин ривожлантиришга ўзининг ҳиссасини қўшганлигини кўрамиз.

Эллигинчи йилларга келиб бизнинг колхоз ўша даврнинг илғор хўжаликлари сафига ўтиб олган эди. Бу дастлабки муваффақиятлар қишлоғимиз кишилари ўртасида ҳаракат қилинса, бундан ҳам каттароқ ютуқларга эришиш мумкинлигига ишонч, ғайрат ҳиссини уйғотди. Шундан кейин пахтакорларимиз бу йилги ютуқни кўриб, келгуси йилда каттароқ, улгуржироқ хирмон кўтариш ҳаракатида бўлиб қолдилар. Ҳосилдорлик йил ўтган сари кўтарилиб борди. Аммо, ўша кезларда қўл меҳнати асосий куч бўлганлиги сабабли пахтанинг таннархи бирмунча юқори бўлар, олинадиган даромад кўнгилдагидек эмас эди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ишларни ихчамлаштириб, мумкин қадар механизация билан бажаришни таъминлаш тўғрисида ўйларди.

Деҳқон психологияси жуда мураккаб. У ерга зўр умид билан уруғ ташлайди. Меҳнатини асло аямайди, тонгда туриб қоронғи тушгунча ишлайди. Агар у шу меҳнати эвазига яхши даромад қилаверса, бир ғайратига-ўн ғайрат қўшади, ерини ардоқлайверади. Шунинг учун биз ҳамма ишимизни колхоз хўжалигини иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга, колхозчи хонадонини бойитишга қаратиб олиб бордик.

Олтмишинчи йилларга пахтачиликда янги даврнинг очилиши. Шу вақтгача деҳқончилиги қадимдан пахтачиликдан иборат бўлиб келган бизнинг Янгийўл райони, айниқса унинг шу экинни экиш билан бир неча ўн йилларидан бери муттасил шуғулланиб келинган бизнинг колхозда пахтанинг офати — вилтга қарши кураш марказий вазифа ҳисобланди. Аксҳолда деҳқоннинг эрта кўкламдан қилган меҳнати натижаси кузга бориб, доғда қолдирарди. Чунки, июль—август ойларида маржон-маржон кўсак тугиб, қарқара бўлиб яшнаб турган ҳосилдор далаларда теримга тушишга бир ҳафта, ўн кун қолганда ғўза совуқ ургандек бедаво бўлиб қолиб, деҳқонни ташвишга соларди. Вилт ғўзани сўриб, ҳолдан тойдирар, шохларидаги кўсакларни бужмайтириб кўярди. Қанчадан-қанча қилинган ҳаракат, сарф-харажат ҳеч қандай наф бермас эди.

Илм-фан, айниқса, қишлоқ хўжалик фани анчагина ривожланган шундай бир даврда вилтни йўқотиш мумкин бўлмаётганлиги деҳқонларни ўйлатарди. Ҳаммамиз шу тўғрида ўйлардик, маслаҳатлашардик, олимларга мурожаат қилардик. Улар ҳам лабораторияларда, дала шароитларида қунт билан иш олиб бораётганликлари, аммо натижа кўнгилдагидек бўлиб чиқмаётганлиги тўғрисида қайғуриб гапирардилар.

Бу масалада ҳам жонажон Коммунистик партиямиз, Совет ҳукумати бизга мададкор бўлди. Қишлоқ хўжалик илмий ташкилотларини, олимларни вилтга қарши изчиллик билан курашга даъват этдилар, уларга ҳамма ёрдамни кўрсатдилар, тегишли шарт-шароит яратиб бердилар.

Шу нарсани қувонч билан айта оламанки, вилтга қарши кураш маркази қилиб бизнинг «Коммунизм» колхози танланди. Селекционер олим Содиқ Мираҳмедов колхозимизга келиб, колхозчилар, механизаторлар, сувчилар билан кечакундуз биргаликда иш олиб борди. У баҳорнинг изғирин кунларида, саратон жазирамасида, кузнинг қировли дақиқаларида ҳамма вақт биз билан бирга бўлди. Бизга ўргатди ва биздан ўрганди. Олим билан деҳқон ўртасидаги ҳамкорлик натижаси бугунги кунда беқиёс катта ютуқ келтириб чиқардики, буни республикамиз пахтакорлари ўз тажрибаларида кўриб турибдилар. Янги пахта навлари яратилиши билан вилтнинг йўли тўсилди.

Бу партия ва ҳукуматимизнинг пахтакорлар меҳнатини қадрлаётганлигига яна бир мисолдир.

Вилт бутунлай таслим бўлмаган бўлсада, илм девори билан унинг йўли тўсилди. Демоқчиманки, агрономия фани кўрсатмаларига амал қилган, шу йўлда талаб этилган қонун-қоидаларнинг ипидан игнасигача юзага чиқаришга ҳаракат қилган колхоз-совхозларда вилт заифлашиб деҳқон ҳосилига чангал сололмаяпти.

Илм билан деҳқончилик соҳасидаги тажрибанинг омухта бўлиши икки томоннинг ҳамжиҳатлик билан қилган ҳаракати бугунги кунда вилтни заифлаштириб қўйгани пахтакорларимизни қувонтираётган бўлса ҳам, аммо бу соҳадаги курашни асло бўшаштирмаслик учун янада астойдил, мунтазам, оқилона иш юритиш талаб этилади.

Мен пахтакор меҳнати қадрланаётгани ҳақида фикр юритганимда яна бир нарсани қувонч билан, завқ билан айтиб ўтгим келади.

Байрам кунларида, тўй-ҳашамларда, йиллик ҳисобот мажлислари пайтида қишлоғимиз кўчаларида ясантусан бўлиб юрган кишиларни кўриб, ҳақиқатан ҳам биз пахтакорлар меҳнати инсон кафтида эканлигига қаноат ҳосил қиламан. Кекса ва ёшларнинг кўксини орден ва медаллар безаб турипти. Аёллар атлас кўйлакларига меҳнатларига берилган баҳо — орден, медалларни қадаб олишган. Уларнинг орасида колхозчилар, механизаторлар, чорвадорларни кўриш мумкин. Улар ана шу орден ва медалларнинг ҳар бирини олиш учун далаларда, фермаларда маржон-маржон тер тўкканлар, кўлари қадоқ бўлган, тунларни бедор ўтказганлар. Қишлоғимизда меҳнатга айниқса юқори баҳо берилган — республикада хизмат кўрсатган пахтакорлар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ҳам кўп. Биз бу қадр-қиматга, меҳнатимиз улуғланишига яраша бундан кейин ҳормай-толмай ишлаймиз, колхоз хўжалигини, давлатимизни иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш учун билимимизни, меҳнатимизни аямаймиз.

Катта ғамхўрликлардан яна бири шу йилдан бошлаб пландан ташқари топшириладиган пахтага қўшимча ҳақ тўлашнинг жорий этилганлигидир. СССР Министрлар Советининг бу тўғридаги қарори қишлоғимиздаги каттадан-кичикни қувонтириб юборди. Биз шу қарорга кўра улгуржи даромад олишимиз, бу пул билан катта-катта ишларни юзага чиқариш мумкинлигини ҳозироқ сезиб турибмиз.

1975 йилда биз гектаридан 50 центнердан пахта етиштиришга қарор қилганмиз. Бу 4 минг тоннани ташкил этади. План бўйича эса 2322 тонна пахта топширишимиз зарур. Демак, кўриниб турибдики, биз контрактация планидан ташқари топширилган пахтамиз учун давлатдан қўшимча равишда 286 минг 100 сўм оламиз.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бу қарорни барча колхозчиларнинг онгига етказиш учун зарур бўлган ҳамма тадбирларни кўрди. Юқори ҳосилли Ислом Икромов бошлиқ бригадада ўтказилган мажлисда колхозчилар бултурги меҳнатлари натижасини ҳисоб-китоб қилиб чиққанларида шу бригада 38 минг 592 сўм қўшимча даромад олиш мумкинлигини билиб олдилар.

Бригада аъзолари ҳосилдорликни ўтган йилдан анча ошириш учун шу кунларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар ҳар гектаридан 55 центнердан «оқ олтин» етиштирамиз, демоқдалар. Демак, қўшимча даромад бултургига қараганда ҳам анча юқори бўлиши шундан кўриниб турибди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига қарата Мурожаат қилдилар. Шу Мурожаатга кўра биз ғўза парваришини кун сайин кучайтиряпмиз. Ишни юқори сифатли бажарилишига эришяпмиз. Кун ҳарорати айниқса кўтарилган ҳозирги пайтда ғўзаларни қондириб суғоришга алоҳида эътибор бераяпмиз.

Деҳқон ҳисобида 25 июндан 5 августгача чилла ҳисобланади. Чилланинг бир куни икки кунга ўтади. Яъни, шу қирқ куннинг ҳар бир кунида меҳнат баракаси юқори бўлса, у саксон кунда қилинган меҳнат билан баравар келаверади.

Ғўзани чилла сувига қондирган деҳқон катта хирмон кўтаради. Шу сабабли халқимиз «Чилла суви — тилла суви», дейди. Биз барча бригадалар дала шийпонини колхозчиларнинг фақат дам олишгина жойигагина эмас, шу ерда тунаб қолиш мумкин бўлган ётоқхонасига ҳам айлантирдик. Ҳозирги пайтда ҳамма сувчилар дала шийпонларида қолмоқдалар. Суғориш устидан навбатчилар ташкил этилган. Улар 25 августгача суғориш, айниқса тунги суғориш қандай ташкил этилганлигини ҳар куни кечаси назоратдан ўтказиб турадилар.

Шу билан бирга биз сувчиларга қўшимча ҳақ тўлашни жорий этдик. Уларнинг фақат ишлари устидан эмас, сувчиларга қандай қулай шароит яратиб берилганлигини ҳам бригадалар бўйича тез-тез текшириб турамиз.

Юқорида санаб ўтилганидек, партия ва ҳукуматимиз пахтакор деҳқонлар меҳнатини ҳамиша юқори даражада баҳолаб келмоқда. Биз бунга жавобан ҳормай-толмай меҳнат қиламиз ва республикамизда, областимизда «оқ олтин» хирмонининг юксак бўлиши учун муносиб ҳиссамизни қўшиш учун курашамиз.

Суратда: (чапдан) автобаза директори Т. Акбердин, шоферлардан Қ. Султонхўжаев, В. Салихов, В. А. Якунин, Ҳ. Азизовлар.

ДАЛА ШУНҚОРЛАРИ

Абдукарим ака бошлиқ бригада колхозда илғор коллектив ҳисобланади. Айни кунларда бу илғор бригада ўз номига муносиб меҳнат намуналарини кўрсатяпти. 126 гектар майдонда ғўза, 25 гектар ерга экилган каноп барқ уриб ўсмоқда.

Сув тақчислигига қарамай Чуст усулини ўрганган Чинор Чиннибоев, Матқайим Арслонов, Камол Отабоев каби моҳир сувчилар Баҳром Сулаймонов, Бакир Алимов, Ризоқул Мусақулов ва Ҳолдор Қидирбоевлар сингари меҳнатсевар шогирдлари ёрдамида ҳозир барча экин майдонларини икки марта қондириб суғордилар.

— Беш йиллликнинг охирги йилини муносиб якунлаб, жонажон Коммунистик партиямизнинг XXV съездини меҳнатда улкан зафарлар билан кутиб олиш ниятида бригадамиз 126 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариш ва давлатга 504 тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олган. Каниондан эса 25 гектарнинг ҳар гектаридан 200 центнер кўк поя йиғиб олишга аҳд қилдик, — дейди Абдукарим Ахтанов.

Э. ТУРСУНОВ.

Оққўрғон. Охунбобоев номли колхоз.

ПЕШҚАДАМ АВТОКОРХОНА

Ҳаётнинг аччиқ-чучугига, қийинчиликларига бардош берган, одамлар учун нафи тегадиган ишни жон деб бажарган ҳар бир киши ўз бахт йўлини топади. Тельман Абдуллаевич Акбердин ҳам ана шундай кишилардан бири.

...Институтни тугатгач, министрлик йўлланмаси билан Устюрт чўлига ишга отланди. Чўлда боқилаётган минглаб чорва молларига қудуқ қазиб, сув чиқариш керак эди. У бошлиқ экспедиция мутахассислари бу ҳайрли ишга биринчилар қаторида қўл урди. Юзлаб километр чўл ичкарисида кечаю-кундуз, сувсиз ва уйқусиз меҳнат қилинди. Қазилган ҳар бир қудуқдан сувнинг отилиб чиқиши уларни ғайратлантириб юборарди.

Сув қақроқ чўлга ҳаёт бағишлади. Янги қишлоқлар, боғ-роғлар сув билан яшнади. Қисқа муддат ичида чўлда 600 дан ортиқ қудуқдан сув чиқарилди. Чорвадорлар экспедиция мутахассисларидан миннатдор эдилар. Шунинг учун ҳам улар Тельман Абдуллаевичга катта ишонч билдиришди. Нукус шаҳар Советига депутат қилиб сайлашди. Ёш, ғайратли инженер халқ ишончини оқлаш, доимо улар хизматида бўлишга аҳд қилди.

Қизилқумда ҳам экспедиция сув чиқариш ишлари билан шуғулланди. Чорва моллар учун кўплаб қудуқ қазиб, сув чиқарилди. Сув келтирган элда азиз, дейишади. Тельман Абдуллаевичнинг кўксини «Ҳурмат белгиси» ордени безади.

Тельман Абдуллаевич мана ўн йилдирки, гўшт, сут, саноатига қарашли республика автобазасига раҳбарлик қилиб келмоқда. Республика аҳолисини саноат марказлари, савдо тармоқлари, болалар боғчалари, шифохоналар, ошхона ва санаторийларни гўшт, сут маҳсулотлари билан таъминлаш ана шу автобазанинг моҳир экспедитор-шоферларига боғлиқдир.

— Ирик саноат шаҳарларида ва область марказларида ҳам автобазамизга қарашли бир нечта колонналар бор, — дейди Тельман Абдуллаевич. — Шоферларимиз ишчи-хизматчиларни янги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда. Меҳнатни тўғри ташкил этиш, машиналар иш унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилади. Шунинг учун ҳам юк ташиш давлат планлари доимий ортиғи билан бажарилмоқда.

Автобазада юк ташийдиган машиналарни ихтисослаштириш нагта самара бермоқда. Ихтисослаштириш ютуклари манзилга ўз вақтида етказиб беришда, меҳнатни тўғри ташкил этишда асосий резерв ҳисобланади. Ҳозир бу ерда 70 дан ортиқ юк ташиш машинаси ихтисослаштирилган. Бу машиналарда малакали шоферлар ишламоқда.

Ишда фан, илғор тажрибалардан унумли фойдаланиш, ихтиро-чилик таклифларини кенг ёйиш меҳнат унумдорлигини оширишга катта ёрдам бермоқда. Автобаза техсовет аъзолари ихтиро-чилик таклифларига жиддий эътибор берадилар. Кейинги йилларда ўнлаб ихтирочилик таклифлари ишга жорий этилди.

Автомашиналарни маҳсулот ташишга мослаштириш эса меҳнатни тўғри ташкил этишда катта ёрдам берди. Олдинлари гўшт ва сут маҳсулотлари холодильникли машиналарда бирорта идишга солиниб ташилар эди. Ҳозир эса ана шу маҳсулотлар машиналарга ўрнатилган тахта жавонларда ташилади.

Тельман Абдуллаевичнинг хаёлини узоқ вақт эритилган ёғни идишсиз ташиш муаммоси банд қилди. Изланиш самарали якунланди. Ёғ бочкаларда эмас, машина цистерналарда ташиш учун шароит яратилди. Эритилган ёғ цистернага сўрилиб, белгиланган жойларга олиб борилади. Ёғни бочкаларга қуйиш ва уларни юклаш учун олдинлари 12 ишчи кучи сарфланган бўлса, ихтиродан сўнг бу ишни икки киши бажарадиган бўлди. Автобаза ҳар ойда 28 минг сўм иқтисод қилди. Тельман Абдуллаевичга биринчи даражали диплом ва ихтирочилик гувоҳномаси топширилди. Кейинчалик суяк унини ҳам қопсиз ташиш йўлга қўйилди.

Райком аъзоси Т. А. Акбердин раҳбарлик қилаётган автобаза коллективи орасида ўзининг ҳалол меҳнати билан ҳурмат топаётганлар кўп. Қосим Сўлтонхўжаев, Ғ. Солиҳов, В. А. Якунин, Ҳ. Азизов каби шоферлар топшириқни ҳамиша ортиғи билан бажаришади.

Н. ТЎРАЕВ.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

СОВЕТ—СОМАЛИ ДЎСТЛИГИ ШАРАФИГА

МОГАДИШО, 9 июль. (ТАСС). Бу ерда СССР билан Сомали Демократик Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланганлигининг бир йиллигига бағишланиб Совет—Сомали дўстлиги фестивали очилди.

Могадишодаги совет маданият марказида сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳар икки мамлакатнинг самарали ҳамкорлиги тўғрисида ҳикоя қилувчи фотоэкспозиция ташкил этилди.

Олий революцион кенгаш ҳузуридаги миллий сиёсий бошқарма секретари Абдулқодир Хожи Муҳаммад фестивали очиш маросимида нутқ сўзлаб, бундай деди: Совет Иттифоқи сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун курашаётган халқларга доимо ёрдам бериб келмоқда. Ёш давлатимиз ташкил топган дастлабки кунларданоқ СССР бизга дўстлик қўлини узатиб, экономика ва маданиятни ривожлантиришда анчагина муваффақиятларга эришишда республикамизга ёрдам берди.

КЕКСА ГРАЖДАНЛАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

БУДАПЕШТ, 9 июль. (ТАСС). Венгрия мутахассислари меҳнаткашларининг турмуш даражасини ошириш, медицина хизматини ривожлантириш тўғрисидаги ўн йил мобайнида ВДР гражданларининг ўртача умрини анча узайтиришига сабаб бўлган асосий омиллар деб ҳисоблайдилар. Ҳозирги вақтда мамлакатда пенсия ёшида 2 миллион эру аёл бор. Бу эса аҳоли умумий сонининг тахминан 18 процентига тенг.

Кексаларнинг аксарияти пенсия олиш, кўпгина бошқа социал тўловлар ва имтиёзлар олиш ҳуқуқига эга. Мамлакатда кексалар учун салкам олти юзта клуб бўлиб, буларда концерт ва лекциялар ташкил қилинади, жамоат ишлари олиб борилади.

Венгрия қизил кресті бутун мамлакатда «кексалар мактаби» деб аталган махсус курслар ташкил қилмоқда. Бу курсларнинг тингловчилари корхона ва муассасаларнинг яқин вақт ичида пенсияга чиқиши лозим бўлган ходимлардир. Курсларда бўлғувси пенсионерлар дам олиш ва ҳаёт режимини қандай қилиб яхшироқ ташкил этиш тўғрисида врач ва социологлардан маслаҳат оладилар.

ЧИЛИ ВАТАНПАРВАРЛАРИГА ОЗОДЛИК!

БЕРЛИН, 10 июль. (ТАСС). Чили социалистик партиясининг бу ерда эълон қилинган баёнотида бундай дейилган: Чили ҳарбий-фашист хунтаси Чили социалистик партияси Марказий Комитети сиёсий комиссиясининг аъзоси, социалистик ёшлар ташкилоти Марказий Комитети Бош секретари Карлос Лоркини қамоққа олганлиги ва турмада уни қаттиқ қийнаётганликлари гражданларининг энг оддий ҳуқуқларини сурбетларча бузишдан бошқа бир нарса эмас. Баёнотда таъкидлаб ўтилганидек, Чили халқини фақат очлик ва қашшоқликка дучор қилган фашист режими, мамлакатнинг ўзида ва халқаро майдонда тамомила яккаланиб қолган режим ҳозирги пайтда ватанпарварларга қарши террорни кучайтирмоқда.

Аммо ишчилар синфининг ва бутун Чили халқининг курашга бўлган иродасини ҳеч нарса буколмайди. Халқ диктатурани ағдариб ташлаш ва демократик, революцион ҳукуматни тузиш учун курашмоқда ва ягона антифашист фронтни чиниқтирмоқда.

Чили социалистик партияси Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Луис Корваланни ва Чилидаги бошқа ватанпарварларнинг ҳаммасини дарҳол озод қилиш тўғрисидаги талабни ҳам қўллаб-қувватлади.

БИТТЕРФЕЛЬД комбинати ГДР химия саноатининг йирик корхоналаридан биридир. СУРАТДА: комбинат электролиз цехидаги «Герман—Совет дўстлиги» номли бригада аъзоларидан бир группаси.

АДН—ТАСС фотоси.

АМЕРИКА МАМЛАКАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР ПРОБЛЕМАЛАР

ВАШИНГТОН, 10 июль. (ТАСС). Куба билан муносабатларни нормаллаштириш ва Қўшма Штатларнинг Панамага Панама канали зонаси устидан суверенитетни қайтариб беришга доир проблемалар тез ва ҳаққоний суратда ҳал этилиши лозим. Ваколат муддати тамом бўлганлиги муносабати билан истеъфо берган Америка давлатлари ташкилотининг собиқ бош секретари Гало Пласа Америка давлатлари ташкилотининг янги бош секретари Алехандро Орфиланинг лавозимга ўтиши маросимида сўзлаган нутқида шу гапларни айтди.

Гало Пласа Латин Америкаси мамлакатларининг жамоатчилиги бу проблемаларнинг ҳал этилиши пайсалга солинаётганлигидан жиддий ташвишланаётганлигини айтиб, Америка давлатлари ташкилоти бутун дунёда ва шу жумладан, ғарбий ярим шарда рўй берган чуқур ўзгаришларни эътиборга олиб, ўз сиёсатини амалга ошириши керак, деб таъкидлади.

А. Орфила ҳам ўз нутқида бу проблемаларнинг актуаллигини таъкидлаб, уларнинг ҳал этилиши муҳим тарихий ва сиёсий аҳамиятга эга, деб алоҳида уқтириб ўтди.

Сўнгра у қуйидагиларни айтди: Америка давлатлари ташкилоти бир қанча муҳим вазифаларни ҳал этиши керак.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БОННН, ГФР қурилиш саноати мамлакатда ишсизлар даражаси жиҳатидан олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳозирги вақтда бу тармоқда 150 мингдан кўпроқ ишсиз борлиги бу ерда расмий эълон қилинди. Бу эса урушдан кейинги даврда қурилиш саноати соҳасида мисли кўрилмаган таназулга сабаб бўлди. Бу таназул уй-жой қурилишига зарба берди.

БУЖУМБУРА. Руанда президенти — Жувеналь Хабьялиман мамлакат пойтахти Кегайлида нутқ сўзлаб, социалистик мамлакатлар билан, шу жумладан Совет Иттифоқи билан муносабатларнинг ривожланишидан мамнун эканлигини айтди. У Руандан ана шундай ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Руанда президенти Анголадаги аҳвол тўғрисида гапириб, Ангола миллий—озодлик ҳаракатлари сафига интоқ солишни мақсад қилиб олган империалистик доиралар муайян тарафдорларининг найрангларидан ташвишланаётганлигини айтди.

ДАМАШҚ. Сурия ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ар-Рафан бу ерда нутқ сўзлаб, Яқин Шарқдаги танглиқни бартараф қилиш соҳасида Сурия Араб Республикаси тутган позицияси аввалгидек ўзгармай қолаверади. Бу позиция деб таъкидлади, Исроил қўшинларини улар босиб олган барча араб территорияларидан батамом чиқариб юбориш ва фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш негизида бу районда адолатли ва мустаҳкам тинчликка эришишга қаратилган.

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Бразилиянинг марказий банки бу ерда миллий пули — крузейро навбатдаги, еттинчи марта девальвация этилганлигини эълон қилди. Бундан олдин крузейро икки ҳафтадан ҳам камроқ муддадм девальвация қилинган эди.

Эндиликда мамлакат банклари бир доллар учун 8,08 крузейро тўлайдиган бўлади. Шу йилнинг январь ойидан бошлаб Бразилиянинг пули 9,3 процент қадрсизланди.

(ТАСС, 9 июль).

ИККИ ДЕЛЕГАЦИЯ УЧРАШДИ

ЖЕНЕВА, 9 июль. (ТАСС). Стратегик ҳужум қурол-яроғларини чеклаш тўғрисида бу ерда ўтказилаётган Совет—Америка музокараларида бугун икки делегациянинг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

МАЖБУРИЯТ СЎЗСИЗ БАЖАРИЛАДИ

Колхозимиз пахтакорлари бу йил гектаридан 40 центнердан ҳосил олиб, 1660 ўринга 2600 тонна хирмон кўтариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Бултур пландан ташқари 600 тонна кўп пахта етиштирилган эди. Агар мажбурият бажарилса, колхозимиз 800 минг сўм қўшимча даромад қилади.

Ҳамма бригада аъзолари партия ва ҳукуматимизнинг пахтакор деҳқонларга ғамхўрлик қилиб пландан ташқари топширилган пахтага бир ярим баробар кўп ҳақ тўлаш тўғрисидаги қарори бизни қувонтирмоқда. Барча бригада аъзолари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни сўзсиз бажариш учун астойдил курашмоқдалар. Масалан, Суннат Тошхўжаев, Турсунмурот Бобоёров, Раҳмат Аҳматов бошлиқ бригада аъзолари гектаридан 45—50 центнердан ҳосил кўтаришга бел боғлаганлар.

Бизнинг бригада аъзоларининг ҳам ниятлари зўр. Ўтган йили ҳар гектар ердан 39 центнердан ҳосил олган эдик. Бу йилги мажбуриятимиз — 45 центнер. Далаларда кўчат ўтган йилдагидан сероб. Ҳар гектар ерда 130 минга яқин кўчат бор. Шу кунга қадар ғўза беш марта культивация қилиниб, ўтдан тозаланди. Йиллик нормадаги азотли ўғитни бериб, икки марта суғордик. Энди далага ғўнг чиқариб учинчи сув билан шарбат қилиб оқизиляпти.

Муҳаммад Ғиёсов, Мўмин Тожибоев, Муҳиддин Обидов, Эргаш Оллоёровлар бригадамизнинг моҳир сувчилари ҳисобланадилар. Улар ҳар литр сувдан тўғри фойдаланиш, сувни исроф қилмасликка, ғўзани бир текис қондириб суғориш учун курашмоқдалар.

Ғўза беш марта культивация қилинди. Бу ишда механизаторимиз Норпўлат Нишонов маҳорат кўрсатди. Унинг ғўзани сифатли культивация қилаётганидан ҳаммамиз мамнунмиз.

Бу йил одатдан ташқари йил бўлди. Ҳаво қуруқ келгани учун чигитни ундириб олиш, чигит униб чиққач уни ёввойи ўтдан тозалаш осон бўлмади. Ана шундай қийинчиликларни енгишда Назира Йўлдошева, Мовлуда Ғоипова, Шарофат Мирзаева сингари хотин-қизларимиз айниқса жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Бригадамиз аъзоларининг жон куйдириб қилган меҳнатлари зое кетмади. Гуллаб, кўсаклай бошлаган, кундан-кунга ривожланаётган ғўзалар бизга катта умид, зўр қувонч бахш этмоқда.

Лекин халқимизда жўжани кузда санаш керак, деган ғаи бор. Биз ғўзани кўкига қараб махлиё бўлмаймиз. Айниқса бу йилги шароитда ишни салгина бўлса ҳам бўшаштириб юбориш мумкин эмас. Бунн яхши англаган бригадамиз механизаторлари. сувчилари. колхозчилари илгаригидан ҳам баланд иштиёқ билан меҳнат қилмоқдалар. Мажбуриятни сўзсиз бажариш, партиямизнинг XXV съезднни янги меҳнат ғафарлари билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Мулессар АБДУЛЛАЕВА,
Чиноз районидаги К. Маркс номли колхоз бригада бошлиги.

БИЗНИНГ АҲБОРОТ

ИККИНЧИ СМЕНА

Областимиздаги барча пионер лагерларида иккинчи смена бошланди. Уларда юзлаб мактаб ўқувчилари кўнгилдагидек ҳордиқ чиқармоқдалар.

Ҳозир шаҳар ташқарисида 80-дан зиёд пионер лагерлари ишлаб турипти. Уларда бутун мавсум давомида 80 мингдан ортиқ пионер ва ўқувчилар дам олади. Шунингдек, шаҳарнинг ўзида ҳам кўплаб лагерлар мавжуд. Бу оромгоҳларда болалар яхши дам олишлари учун барча қулай шароит яратиб берилган.

Оржоникидзе районидаги «Қибрай», Янгийўл районидаги У. Юсупов номли аграр саноат бирлашмасида юқори синф ўқувчилари учун меҳнат ва дам олиш лагерлари ташкил этилган. Бу лагерларда 5 мингдан ортиқ йигит-қиз сабзавот, мева ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиб-теришда дала меҳнаткашларига яқиндан ёрдам беради ва актив дам олади.

ХАЛҚ ТАЛАНТЛАРИ КЎРИГИ

Бадиий ҳаваскорлар Бутуниттифоқ фестивалининг ҳозир давом этаётган дастлабки босқичини чиндан ҳам халқ талантлари кўриги, деса бўлади. Кўрик давомида янги-янги номлар, пайдо бўлмоқда.

Фестиваль ўтказилиши тўғрисида қарор чиққач, областимизнинг шаҳар ва районларида партия, совет ва касаба союз органлари томонидан унга тайёргарлик бўйича ташкилий комитетлар тузилди, халқ бадиий ҳаваскорлигини янада ривожлантириш тадбирлари белгиланди. Фестиваль давомида ташкил топган Ангрендаги 1 ва 2-маданият уйлари, шаҳар халқ маорифи бўлими, Олмалиқ шаҳридаги автобус парки, рух заводи ҳузуридаги бадиий ҳаваскорлик коллективлари кўпчилик эътиборини қозонмоқда.

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», «Ўзбекистон», Бўстонлиқ районидаги Жданов номли, Бекобод районидаги Ленин номли колхозларнинг бадиий ҳаваскорлари ўз репертуарларини янги номерлар ҳисобига бойитиб бормоқдалар.

Бутуниттифоқ фестивалининг биринчи босқичи Янгиободда, Ангрен шаҳридаги керамика заводи цехларида ва педагогика техникумининг маданият уйида, Оҳангарон ва Бекобод районлари хўжаликларида барча жанрлар бўйича ўтказилди. Биринчи тур якунларига кўра 20 дан зиёд коллектив ва ижрочилар фестивалнинг навбатдаги босқичида иштирок этиш учун танлаб олинди.

Ҳозир областимизнинг бошқа шаҳар ва районларида ҳам халқ бадиий ҳаваскорлари биринчи Бутуниттифоқ фестивалининг дастлабки босқичи давом этмоқда.

КЎЧМА КУТУБХОНАЛАР

Областимиз хўжаликларида дала меҳнаткашлари маданий ҳордиқ чиқаришларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бу борада Юқори Чирчиқ районидаги «Правда», Свердлов номли ва бошқа хўжаликлар дала шийпонлари диққатга сазовордир. Мазкур шийпонларда қизил бурчаклар, дам олиш ҳоналари, аптечкалар мавжуд. Мўл ҳосил иштиёқида меҳнат қилаётган колхозчилар ва совхоз ишчиларига область китоб савдоси ходимлари ҳам хизмат кўрсатмоқдалар. Кўчма кутубхоналар ана шу ташкилот ташаббуси билан ташкил этилган.

Кўчма кутубхоналардан меҳнаткашлар турли мавзудаги китобларни олиб ўқишлари мумкин. Бу китоблар қишлоқ хўжалиги, чорвачиликдаги илғор тажрибалар ҳақида ҳикоя қилади. Илмий брошюраларнинг авторлари кўзга кўринган мутахассис ва йирик олимлардир.

ВОДОПРОВОД ТАРМОҚЛАРИ КЕНГАЯДИ

Область «Водоканал» трести шаҳар ва районларни водопровод суви билан таъминлашни янада яхшилаш борасида кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Бу жиҳатдан Олмалиқ шаҳрида бажарилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Шаҳарлар водопровод суви билан тўла-тўкис таъминлангандир. Барча сув иншоотлари қуввати 120 минг куб метрни ташкил қилади. Аҳоли жон бошига тақсимлайдиган бўлсак, ҳар бир кишига 80 литрдан сув тўғри келади. Олмалиқ область шаҳарлари орасида сув таъминоти бўйича ҳозир биринчи ўринда.

Шундай бўлишига қарамай, ёз мавсумида сув таъминотида бироз узилиш бўлади. Лекин, «Водоканал» трести ана шу узилиш бўлмаслиги учун сув тармоқларини янада кенгайтирмоқда.

Олмалиқда водопровод тармоқларини узайтириш учун 300 минг сўм капитал маблағ ажратилган. Ҳозир қурилиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Областда 13 район ва шаҳар типидаги посёлкалар марказлашган водопровод тармоғидан сув олади. Бироқ, баъзи район ва шаҳарлар марказлашган водопровод тармоғига бирлаштирилмаган.

Бу йил Янгийўлда 215 минг сўм маблағ сарф қилиниб, водопровод тармоқлари 4 километрга узайтирилади. Алимкентда 3 километр водопровод тармоғи қурилади. Бунинг учун 145 минг сўм маблағ ажратилган.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ.

Хадра майдонида 3 минг ўринли йирик цирк қурилиши тугай деб қолди. Суратда: янги циркнинг умумий кўриниши.

И. Глауберзон фотоси.

ШИЙПОНДА СУҲБАТ

Ўша куни дала шийпонлари пахтакорлар билан гавжум бўлди. Улар ҳузурига Тошкент олий ўқув юртлари ва илмий текшириш институтларнинг бир группа олимлари меҳмон бўлиб келишган эди.

Олимлар группаларга бўлиниб, районнинг колхоз ва совхозлари томон йўл олдилар. Иғилган пахтакорлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илмий техника тараққиёти, халқаро аҳволга оид ўқилган лекцияларни мароқ билан тинглашди.

Айниқса, «Огонек» совхози соҳибкорлари ҳузуридаги суҳбатлар қизиқарли ўтди. Бу ерга медицина фанлари кандидати Зоир Акбаров, кимёгар олим Хайит Абдуллаев келишган эди. Улар саломатлик ҳақида совхоз дала шийпонларида етти марта суҳбат ўтказишди.

«Победа» колхози пахтакорлари эса Узбекистон ССР Фанлар академияси философия ва ҳуқуқ институти илмий ходимлари Абдураҳим Абдурасулов ва Тоир Қаримов суҳбатларидан баҳраманд бўлдилар. Олимлар Байкал-Амур магистрали қурилишининг иқтисодий аҳамияти, халқаро аҳволга доир қизиқарли лекциялар ўқидилар. Физика-математика фанлари кандидати Абдулҳай Қодиров «Заря коммунизма» колхози меҳнаткашларига «Союз» — «Аполлон» космик кемалари парвозига доир қизиқарли лекция ўқиб берди.

Тошкент область партия комитети ва область «Билим» жамиятининг штатсиз лекторлари ўқиган суҳбат ва лекциялардан Қуйи Чирчиқ райони меҳнаткашлари мамнун бўлдилар. 25-та темада ўқилган лекцияларда 3 мингдан ортиқ киши иштирок этди.

Районда лекция пропагандасига алоҳида аҳамият берилмоқда. Штатсиз лекторлар ўтган йили деҳқонлар ҳузурида 3340 лекция ўқиган эдилар. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида ўқилган лекциялар ҳам 2 мингтага яқинлашиб қолди.

Э. САИДАКБАРОВ,
лектор.

АРХИТЕКТУРА ВА ШОВҚИН

Ҳозир жаҳон архитекторлари олдида шовқинга қарши кураш долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Катта шаҳар кўчаларида поезд, автомобиль мотоцикл, мопедлар ва саноат корхоналари ҳосил қилаётган шовқинга қарши кураш кескин тус олаяпти.

Шовқинга қарши курашиш мақсадида пойтахт шаҳар ижроия комитети ташаббуси билан махсус комиссия тузилди. Шаҳар ва республика автоинспекцияси томонидан автомобиллар тезлиги чеклаб қўйилиб, сигнал бериш мумкин қадар таъқиқланди.

Шовқинга қарши асосий курашчи архитекторлардир. Улар таклифи билан шаҳар айланма-ҳалқа йўли ишга туширилиб, шаҳар ичидаги қатнов ҳаракати қариб ярим бараварга яқин камайди. Янги лойиҳаларда ер ости тунеллари қуриш мўлжалланган. Айниқса, Тошкент метроси бу борада катта аҳамиятга эга. Метронинг 50 километрлик уччала навбати ишга тушгач, кўча қатнови яна ярим баравар, шовқин эса 40 процентга камайиши кўзда тутилаяпти.

Шифокорларнинг таъкидлашича, инсон асаблари 70—80 децибалл кучланишдаги шовқинни кўтара олади. Лекин, бу кўрсаткич ҳам инсон учун шовқиннинг «ҳавфли зонаси» ҳисобланади. Турар-жой кварталларида шовқин 40 децибалл, бино ҳоналарида эса 30 децибаллдан ошмаслиги керак.

Автомобиль, автобус, трамвай, мотоцикл ва мопедлар ҳосил қилаётган шовқин кучланиши эса 80—95 децибаллга етар экан.

Ўрта Осиё медицина-педиатрия институти ходимлари шовқинни назорат қилувчи лаборатория ёрдамида ўтказган ўлчовлардан хулоса чиқариб, Тошкентнинг Навоий, Шота Руставели. Луначарский кўчалари ва турар-жой биноларидаги шовқин кучланиши «ҳавфли зона»га яқинлашиб қолаётганлигини таъкидлаяптилар.

Шовқинга қарши кураш шаҳар архитекторларининг янги жиддийроқ ишлашларини тақозо этаяпти. Кейнинги пайтларда киевлик бир группа архитекторлар талай чора тадбирлар таклиф қилиб чиқишди. Беруний кўчасида, «Марказ 27»да истиқомат қилувчи кишилар бино ичида шовқин камлигини таъкидлаяптилар. Ҳақиқатан ҳам ҳеч қандай қўшимча маблағсиз бино қурилиш планировкаси ўзгартирилиши натижасида шовқин кучи 7—8 децибалл камайган. Яна бунга қўшимча — қуёш нуридан муҳофаза қилувчи бино безаги ҳам ўзига хос «фильтр» ролини ўтаб, 2—3 децибалл шовқинни тутиб қолар экан. Эндиликда бундай усулдан кенг кўламда фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Биноларни жойлашиши ва ориентациясига амал қилиб, кўчага нисбатан маълум градусда кўндаланг қуриш ҳам юқоридаги каби натижа беради. Бу албатта нурдан муҳофаза қилувчи воситаларнинг ҳар бир детали устида ишлаб, уларга «фильтр»лик вазифасини юклашни назардан четда қолдирмаслик зарур. Кўча ва бинонинг кўндаланг қурилиши қуёш нурининг оғиш бурчаклари орасидаги пропорционаллик юқоридаги масалаларни ҳал қилишда ҳалақит бермайди. «Марказ 27»даги бинолар оралиғидаги магазин, маиший хизмат кўрсатиш бинолари ҳам шовқинни тўсиб қолишда ўзига хос девор ролини бажарувчи бўлиб чиқди. Бундан ташқари кўча ва бино ўртасида яшил деворлар ҳосил қилиш шаҳар ҳуснини очишдан ташқари шовқин тўсувчи восита вазифасини ўтайди.

Шаҳримиз архитектураси энигагина эмас, кўкка қараб ҳам бўй чўзмоқда. Эндиликда 16 қаватли турар-жой бинолари қуриш осон ишга айланиб қолди. Ана шундай баланд бинолар олдидаги яшил деворлар ҳам бироз баландроқ бўлиши керак. Табиатимиз баланд ўсувчи теракларнинг бирнеча турига эга. Айниқса, баҳатерак кўринниши жиҳатидан ҳам баланд, ҳам декоратив гўзаллиққа эга. Бўлажак кварталларда баланд бинолар олдида бир қатор акация дарахтларидан ташқари терак ҳам экилса, кўчалар яна ҳам гўзаллашади.

Шовқинга қарши курашда турар-жой бинолари, мактаб ва айниқса, шифохоналар ўрни архитекторлар ҳамда бинокор қурувчиларнинг диққат марказида турмоғи зарур. Мазкур жойларнинг эшиклари кўпчилик ҳолларда шовқин билан ёпилади. Айниқса, пружина қоқилган эшиклар ёпилиши ва очилишида шовқинни яна бир карра ошириб юборяпти. Буларни бартараф этиш учун эшикларни ўрнатаётганда рахнинг юқори, ўрта ва пастки қисмларига юмшоқ резиналар қўйиш кифоя.

Илёс АЗЛАРОВ,
Тошкент Давлат политехника институти архитектура факультетининг студенти.

ЯНГИ ҲОСИЛДАН

Ғазалкент консерва заводи республикадаги турдош корхоналар ўртасида илғорлардан ҳисобланади.

Бу улкан корхонада ҳозирги кунларда иш айни қизиган пайти. Цех ва участкаларда 80 хилда янги мева ва сабзавот ҳосилидан маҳсулотлар чиқарилмоқда. Завод инженер-техник ходимлари, новатор ишчилари маҳсулот сифатини ошириш борасида жиддий изланиш олиб боришмоқда. Ана шу изланишлар натижасида уч хил маҳсулот ҳозирги кунларда давлат Сифат белгиси олган.

Шу кунларда бош конвейердан дастлабки банка мева ва сабзавот консервалари ҳамда ўрик ва олма шарбатлари тушмоқда. Ойлик план топшириқларининг ошириб бажарилишида мева мураббосини қадоқлаш линияси ишчилари Екатерина Алимуҳамедова, Екатерина Макотина каби ишчиларнинг ҳисса катта бўляпти.

Янги ҳосилдан маҳсулот тайёрлаш давом этмоқда.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Халқ театри

Кончиларнинг севимли театрига айланиб қолган Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг ҳаваскорлик студияси репертуарида ҳозир ўндан ортиқ асар бор. М. Горькийнинг «Васса Железнова», Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» каби пьесалари ҳаваскорлар ижросида тез-тез намойиш қилиб турилади.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг президиуми яқинда бу студияга «Халқ ҳаваскорлик театри» деган ном берди.

Шунингдек, Тошкентдаги биринчи тажриба-механика заводининг ҳаваскорлик драматик коллективи ҳам шундай фахрли ном эгаси бўлди.

ҲАР ТЎҒРИДА

«АЙНИГАН» ЕМҒИР

Корнель ва Иель университетларининг тадқиқотчилари аниқлашича, АҚШ ва Ғарбий Европа шаҳарларига ёғадиган ёмғирларнинг кимёвий таркибида кислота миқдори кейинги йигирма йил ичида ўн баравар ошиб кетган. Айрим жойларда эса бу даража иккинчи жаҳон урушидан аввалги даражадан минг баравар ортиқ бўлган.

Бунга сабаб шуки, ҳозирги вақтда шаҳар транспортида ёнилғи жуда кўп ишлатилади. Завод ва фабрикаларнинг трубаларидан чиқаётган тутунлар ҳам бунга айбдор. Ана шу тутунларга қарши ишлатиладиган фильтрлар эса одатда кўзга кўринарли заррачаларни ушлаб қолса ҳам, ёнилғи ёнганда ҳосил бўладиган азот ва олтингугурт кислоталарининг заррачаларини ўтказиб юборавераркан.

«АБАДИЙ» ФОНАРЬ

АҚШда батарея алмашуви ёки электр токи зарядига муҳтож бўлмаган қўл фонари сотувга чиқарилди. Бу фонарнинг акумуляторлари жуда кичик қуёш батареясидан қувват олиб ишлайди. Бу батареянинг фойдали иш коэффициенти шунчалик кучлики, у ҳатто ҳаво булут кунларда ҳам бор қуёш нуридан электр ҳосил қилиб, қўл фонарини зарядлайди.

РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР УЧУН

Рангли телевизор электрон приборларнинг ҳозирги энг мураккаб тури ҳисобланади. Уни ремонт қилиш ҳам анча қийин. Айниқса, унинг бузилган жойини аниқлаш учун кўп вақт талаб қилинади.

Яқинда ГФРдаги «Грундиг» фирмаси ана шу мақсадда махсус мослама яратди. Бу кичик ҳажмдаги мослама телевизор схемасига мувофиқ қилиб, 14 контактдан иборат. Агар шу мослама телевизорнинг 14 блокига мослаб қўйилса, ҳеч бир қисми бузилмаган рангли телевизорда 14 лампочка дарҳол ёнади. Агар улардан бири ёнмай қолса, бу телевизор блокларидан биттаси бузилганини кўрсатади.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ШАҲАР МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРМАСИНИНГ ЎҚУВ КОМБИНАТИ

турли моделлар бўйича пойафзалларни тайёрловчи ва тикувчиларни тайёрлаш КУРСЛАРИГА 1975—76 ўқув йили учун ИИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 6—12 ой.

Ўқишга Тошкент шаҳар ва Тошкент областида яшовчи 8-синф ҳажмида маълумотли 16 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАР ОЙДА 60 СЎМ СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ. БОШҚА ШАҲАРДАН КЕЛГАНЛАРГА ЕТОҚХОНА БЕРИЛАДИ.

Ўқишни тугатганлар Тошкент «5 декабрь» фабрикасига ишга юборилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРИНИНГ ТЎПЛАНИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, Аҳолини ишга жойлаштириш ва ҳифмация Бюроси ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

(ҲАЖВИЯ) БОЛАЛИ ЎЙДА ГАП ЁТМАС

Мактабдан келсам, дадам катта портфель кўтариб, йўлакка эндигина чиққан экан. Ойим қўлида капкир тутганича, югуриб чиқиб, дадамга ҳай-ҳайлади:

—Сизга ёрдамлашади, ўғлингизни бирга олиб кетинг!

Автобусга ўтириб, район марказига келдик. Бекатда бизни икки киши қарши олди.

Уларга эргашиб боравердим. Икки табақали эшикдан катта бинога кириб бордик. У ерда ҳалиги амакиларимдан ташқари, оқ халат кийиб олган «опа»ларим ҳам кутиб ўтирган экан.

Уйда дадам онамга иш буюришдан ҳайиқиб турса-да, бу ердагилар дадамнинг оғзидан чиққан сўзни икки қилмас, вужудларини қулоққа айлантириб, қўл қовуштириб туришарди.

«Опа»ларим мени конфетга роса тўйдиришди. Эсимда, боғчадалигимда ҳам шунақа яхши опалар бўлар эди, лекин улар конфетни биттадан ортиқ беришмасди.

Дадам, яна бир неча кишилар, қандайдир қоғозга энгашиб бараварига ёзишарди. Ора-сира «артикуль», «прейскурант», «ревизия» деган сўзлар эшитилар эди.

Орқа хонада ҳам эшик бор экан. Кўчага чиқишимизда, шу ишхонанинг «хўжайини» бўлса керак, дадам билан хайрлашмоқчи бўлиб, қўл узатди. Шунда дадам бир нарсадан чўчигандек, қўлини узатди-ю дарҳол қўлини яна чўнтагига тикди. Чўнтагидан рўмолчасини олиб, ҳозиргина пайдо бўлган пешона терларини артди.

Дадам билан уйга келяпмиз. Оғирлигидан бўлса керак, дадам «сандиқ» нуска портфелини у қўлидан бу қўлига олиб келарди.

Мен бор гапни ойимга айтиб бердим.

— Тўхтанг!!!

Ойимнинг овозини эшитиб, дадам остонада қотди.

Ойим чала ювилган хамир юқи қўли билан дадамнинг чўнтагидан, ўзи қўйиб қўйгандек бир даста қоғоз пул олди.

Шунда уйдан дадамнинг:

— Ўғрини карокчи урди! — деган овози эшитилди.

Укаларим ғиншийверганидан кейин дадамнинг портфелини очдим. Унда «Нука отними»дан тортиб, «Қора кум»гача қалашиб ётарди.

Кейинчалик билсам, биз район марказига, магазинда тафтиш ўтказиш учун борган эканмиз. Дадам эса ревизор экан.

Абдурҳмон ҒАФФОРОВ.

Спорт

СПАРТАКИАДА ОДИМЛАРИ

Мамлакатимизнинг турли шаҳарларида СССР халқлари VI спартакиадаси финал мусобақалари қизғин давом этмоқда. Кеча Олмаотада классик кураш, Киевда чавандозлик, Таллинда эса теннис бўйича мусобақаларга старт берилди.

Спартакиаданинг финал баҳсларида Узбекистон вакиллари муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Киевда ўтказилган полвонлар баҳсида Ўзбекистон спортчиларн умумий жамғармага 66 та очко қўшдилар. Эркин кураш усталаридан Хасан Зангиев ва Михаил Ноговицин бронза медалини қўлга киритдилар. Кишинёвда ўтказилган дзю-дочилар мусобақасида Ўзбекистон вакиллари бу йил биринчи марта иштирок этдилар. Дастлабки қадам чакки бўлмади. Спортчиларимиз қизғин олишувларда 20 очко тўпладилар. Минскда ўтаётган мерганлар мусобақасида ҳам ҳамшаҳарларимиз ўз маҳоратларини намойиш қилмоқдалар. Биринчи кунги мусобақадаёқ улар 22 очко тўплаб, ишқибозларни мамнун этдилар.

БЕШ УЧРАШУВ— БЕШ ҒАЛАБА

Калининград шаҳрида «Динамо» марказий Совети биринчилиги учун ёш волейболчиларнинг мусобақаси бўлиб ўтди. Бу турнирда тошкентлик динамочилар айниқса муваффақиятли қатнашдилар. Улар Москва, Ленинград, Сочи, Ставрополь ва Калининград шаҳарлари «Динамо» командалари ёшларини ортда қолдириб, турнир ғолиби бўлдилар. Тошкентлик динамочиларни бу мусобақаларга тренер Аҳмад Воҳидов тайёрлаган эди.

ЎН ЕТТИ ТУРДАН СЎНГ

Биринчи лига командалари мамлакат чемпионатида ўн еттинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Ҳозир турнирга Минскнинг «Динамо» ва Симферополнинг «Таврия» командалари футболчилари қарвонбошилик қилиб туришибди. Улар ҳисобида 23 тадан очко бор. Ўн еттинчи турда динамочиларни Оржоникидзенинг «Спартак» командаси қабул қилди. Лекин 90 минут давомида ҳисоб очилмади. «Таврия» эса ўз майдонида Кемеровонинг «Кузбасс» командасини қабул қилиб 2:1 ҳисобида ғолиб чиқди. Шундан кейин у очколар бўйича ягона пешқадам бўлиб турган динамочиларга етиб олди.

Турнирда Фрунзенинг «Олга» командаси ниҳоятда суст қатнашаяпти. Ўн етти учрашувда у атиги 5 тагина очко тўплади, холос. Кейинги учрашувда ҳам «Олга» командаси Боқуда «Нефтянник» командасига 0:3 ҳисобида ютқазиб қўйди.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, №26. ТЕЛЕФОНЛАР

коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Эълонлар — 338142.

Р. 03471. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64634. Б—3414.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 18.30— ТОШКЕНТ. 18.35 — «Камалак». 19.00 Биз ишчи бўламиз. 19.30 — **«Ахборот».** 19.45 — Жаҳоннинг машҳур композиторлари. Л. Бетховен. 20.30— Дугоналаримиз ҳаётидан. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — «Адабий кўрсатув. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Олтин қўллар. ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.30 —ТОШКЕНТ. 18.30 — МОСКВА. **Эски шахта сири** (5-серия). 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 20.10 — Концерт. 20.25 — **Тоғлар қироли ва бошқалар** (бадиий фильм). 22.00 — «Здоровье» (Тошкент). 22.30 — Останкино концерт студияси таклиф этади. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Тошкент ва тошкентликлар. 20.40 — Телефильм. 20.25— Қаерда ўқимоқчисиз? 21.55 — Жанговар постда. 22.25 — **Урмон қиссаси** (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Есения — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Эсавер, шамол! — «ЧАЙКА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Туҳмат қурбони — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ», «НУКУС», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (11.00, 13.00, 14.00, 15.00, 17.00, 19.00, 20.00).

Эҳтиёт бўл, Зузу! — (11.00, 14.00, 17.00, 20.00), **Туҳмат қурбони; Тонг** (12.00, 15.00, 18.00, 21.00) — «ҚОЗОҒИСТОН».

Манзил томон кетяпман — НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (12.00, 16.00, 18.00, 21.30).

Соколово — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

«Кўк илон» ҳалокати — «ХИВА».